

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ИСЛОМ ИСМОИЛОВИЧ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН
ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018 йил

Диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации
Content of the abstract of dissertation

Эргашев Ислон Исмоилович Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион- инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш	3
Эргашев Ислон Исмоилович Развитие и повышение эффективности инновационно-инвестиционных процессов в сфере услуг	25
Ergashev Islom Ismoilovich Development and increasing the efficiency of innovative -investment processes in service sector	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ИСЛОМ ИСМОИЛОВИЧ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН
ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/Iqt28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Беркинов Бозорбой Беркинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хомитов Комилжон Зойитович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «9» июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-28-38; факс: (998966) 233-28-38; e-mail: ilm@sies.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 140100, Самарқанд ш., Шохруҳ Мирзо кўчаси, 60-уй. Тел.: (99866) 233-34-76.

Диссертация автореферати 2018 йил ____ кунлари тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

И.С.Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг устувор аҳамият касб этиши ҳамда иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчилари фаолиятида инновацион-инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда (АҚШ, Япония, Швейцария ва Швеция) ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 60-80 %ни¹ ташкил этиши билан бирга, илм-фан ва инновацион фаолиятни инвестициялашга сарфланаётган маблағлар ЯИМга нисбатан 3 %ни² ташкил этмоқда ва ушбу маблағларнинг 2/3 қисми тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, яратилаётган инновациялар ва илмий ишланмаларнинг 70 %дан ортиғи иқтисодиётнинг нодавлат секторида юзага келмоқда.

Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларни истиқболли ва юқори технологияларга асосланган тармоқларга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини умуммиллий ва ҳудудий даражада венчурли молиялаштириш амалиётини ривожлантириш, инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш, инновацион-инвестицион жараёнларни жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, инновацион-инвестицион лойиҳаларни комплекс баҳолашнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳолатлар танланган тадқиқот мавзуси доирасида ҳал этилиши зарур бўлган мақсадли йўналишларни белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислохотлар натижасида хизматлар соҳасида таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш»³ муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Шу туфайли, инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон

¹ <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

² <http://stats.oecd.org/>

³ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, – www.lex.uz

Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3365-сонли Қарори ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар⁴, жумладан: В.В.Кулибанова, К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик, В.К.Романович, С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан⁵ Б.А.Адукаримов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Д.Р.Зайналов, Б.Х.Тўраев, Э.С.Файзиев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, М.Г.Хан ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Инновацион фаолиятни амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг фундаментал масалаларига хорижлик иқтисодчи олимлардан Дж.Кейнс, Й.А.Шумпетер, М.Ю.Портер, Б.С.Санто, Д.А.Ендовицкий, А.В.Мартенс, У.А.Шарп, С.И.Абрамов, В.В.Бочаров, Л.А.Головнина, Г.Л.Игольников, П.Н.Завлин, С.В.Валдайцев⁶ ва бошқалар сезиларли

⁴ Управление и организация в сфере услуг: теория и практика: Service Management and Operation – 2-е международ. изд. (пер. с англ под науч. ред. В.В.Кулибановой) / К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик. – СПб. и др.: ПИТЕР бух, 2002. – 751 с.; Романович В.К. Сервисная деятельность: учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. / С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова – 3-е изд. – СПб.: Питер, 2005. – 156 с.

⁵ Адукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм Т.: «Фан ва технология», 2008; Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. «Зарафшон», 2009. - 66 б.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. - 332 б.; Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория. // “Сервис” журналы. Самарқанд: 2009, 1-сон. – 70 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. – 153 с.; Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 16 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2015. – 300-б.; Хан М.Г. Совершенствование сервиса для повышения инвестиционной привлекательности ноциональных предприятий. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата наук. - Самарқанд: САМИСИ, 2009.- 22 с.

⁶ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Издательство: Гелиос, 2002. 422 с.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.; Портер М.Ю. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с.; Санто Б.С. Инновация как средство экономического развития / Санто Б. С. – Москва : Прогресс, 1990 . – 295 с.; Ендовицкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 376 с.; Мартенс А.В. Инвестиции. – Киев, 2002. – 563 с.; Шарп У.А., Александер Г.Б., Бэйли Дж.О. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - XII, 1028 с.; Абрамов С.И. Инвестирование. –

натижаларга эришганлар. Шунингдек, мазкур муаммолар тадқиқоти Ватанимиз олимлари: А.В.Ваҳобов, С.С.Ғуломов, А.С.Жўраев, Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Х.Хайдаров, М.Э.Пўлатов, Ш.Э.Эргашева, Ш.И.Мустафакулов⁷ ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ёритиб берилган.

Аммо ушбу муаллифлар ишларида хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш механизмлари тадқиқот объекти сифатида батафсил ўрганилмаган. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикада хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион фаолият ривожланиши бўйича методологик ва концептуал ёндашувларнинг етарлича ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини тўғри аниқлашга ҳам имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Инновация», «инвестиция», «инновацион-инвестиция» категорияларининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини шакллантириш;

хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг тамойилларини таснифлаш; хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг хорижий

М., 2000. – 440 с.; Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций. - М: Финансы и статистика, 1999. – 144 с.; Головнина Л. А. Инвестиции: определение и оценка эффективности. - М.: МГИУ, 2001. – 233 с.; Игольников Г.Л., Патрушева Е.Г. Оценка инвестиционной привлекательности и экономичности развития производства в системе методов обоснования и анализ реализации инвестиционных проектов. //Организатор производства. 2001. № 2.; Основы инновационного менеджмента: теория и практика: учеб. пособие / П.Н. Завлин, А.К. Казанцев, Л.Э. Миндели и др.; Под ред. П.Н. Завлина, А.К. Казанцева, Л.Э. Миндели. – М.: ОАО НПО «Изд-во «Экономика», 2000. – 475 с.; Валдайцев С.В. Управление инновационным бизнесом / С.В. Валдайцев. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 343 с.

⁷ Ваҳабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Ғ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Ваҳабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. 328 б.; Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. Т.: - ГФНТИ 1995. – 249 с.; Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С.: Академик М.Шарифхўжаев таҳрири остида. Инвестиция лойиҳалар таҳлили: ўқув қўлланма – Т.: Шарқ, 2003. – 256 б.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 224 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари // и.ф.н. дисс. автореферати. – Т.: Академия, 2003. – 29 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодий, 2012. – 166 б.; Эргашева Ш.Э., Узоқов А.У. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 208 б.; Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. 67-б.

тажрибаларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш тенденциялари ва устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш усулларини таҳлил этиш;

иқтисодий-математик усуллар асосида хизмат кўрсатиш соҳасида инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ҳамда ҳудудлар инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

венчур капитали асосида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни инвестициялаш услубини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети республика хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, гуруҳлаш, индукция-дедукция, мантиқий ва таққослама таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудлар инвестицион жозибadorлигини қиёсий баҳолашнинг бенчмаркинг тизими хизматлар соҳасида инвестицион жозибadorлик мезонлари асосида модификацияланган;

хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш услуби соф дисконтланган даромадни ва ички даромадлилик нормасини босқичли инвестициялаш самарадорлигини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

хизматлар бозорининг ривожланиши тенденциялари ҳамда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар динамикасини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларни 2018-2021 йиллар давомида ривожлантиришнинг прогноз параметрлари асосланган;

венчур фондини шакллантиришнинг бошқарув тузилмаси ҳамда масъулияти чекланган ҳамкорлар ўзаро алоқаларини тавсифловчи схемаси таклиф этилган;

ҳудудлар иқтисодиёти инвестицион жозибadorлигини аниқлашда инвестицион салоҳият ва инвестицион риск омиллари асосида баҳолаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини ошириш механизми сифатида инновация ва инвестиция категорияларининг иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифлари берилган;

инновацион фаолиятни инвестициялаш усулларининг тизимлашган таснифи ишлаб чиқилган ҳамда асосланган;

хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнлар ривожланишининг жорий ҳолатини тадқиқ қилиш орқали соҳада инновацион-инвестицион жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуга оид хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий ташкилотлари расмий маълумотлари тадқиқот хулоса, таклиф ва тавсияларининг амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотлари, шунингдек, илмий манбалар маълумотлари таҳлили орқали асосланган ва улар ишончлидир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилишнинг ички ва ташқи манбалари тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтиради ва хизматлар соҳасининг ривожланиш муаммолари ечимининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикадаги хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятига татбиқ этилганлиги, хизматлар соҳасининг фаолият юритиш самарадорлигини оширишга имкониятлари билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хизматлар соҳасида инвестицион жозибадорлик мезонлари асосида модификацияланган ҳудудлар инвестицион жозибадорлигини қиёсий баҳолашнинг бенчмаркинг тизимидан фойдаланиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги ШВ-03/05-2-1978-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш республика ҳудудлари инвестицион жозибадорлигини аниқлаш амалиётини такомиллаштириш имконини берди;

соф дисконтланган даромадни ва ички даромадлилик нормасини босқичли инвестициялаш самарадорлигини аниқлаш асосида такомиллаштирилган хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги ШВ-03/05-2-1978-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган методикадан фойдаланиш хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш имконини беради;

хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларни 2018-2021 йиллар

учун прогнолаштиришда фойдаланилган моделлар ва прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги ЛК-02/14-4794-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган модель ва прогнозлардан фойдаланиш кўмита фаолиятида истиқболда ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда илмий асосланганлик даражасини оширади;

венчур фондини шакллантиришнинг бошқарув тузилмаси ҳамда масъулияти чекланган ҳамкорлар ўзаро алоқаларини тавсифловчи схемаси бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги ШВ-03/05-2-1978-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш кўмита фаолиятида хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштириш ва жалб қилинаётган инвестиция маблағлари ҳажмини ошириш имконини беради;

худудлар иқтисодиёти инвестицион жозибадорлигини аниқлашда инвестицион салоҳият ва инвестицион риск омиллари асосида баҳолаш усулидан фойдаланиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги ШВ-03/05-2-1978-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган усулдан фойдаланиш республика худудлари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, республика миқёсидаги 5 та ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнлар ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий асослари тадқиқ этилган. Инновацияларга йўналтирилган инвестицияларни хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти ривожланишидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, инновацион-инвестицион жараёнларни амалга оширишнинг моҳиятини тавсифловчи назарий ёндашувлар ўрганилган ҳамда ушбу жараёнларни ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишлари аниқланган ҳамда инновацион-инвестицион жараёнлар ривожланишининг хориж тажрибаси ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари илмий асосланган.

Инновация – бу муайян иқтисодий, ижтимоий, бошқарув ва бошқа турдаги самараларни келтирадиган, амалий фаолиятга жорий қилинган, маҳсулотнинг янги ҳаётий даврини амалга оширувчи жараён сифатида бозорда реализация қилинадиган, янги иқтисодий маҳсулотда мужассамлашган билимлар трансформацияси натижаси ҳисобланади. Инновацион-инвестициялар – бу молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликларнинг объект ва жараёнларга киритилиши бўлиб, фан ва технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида улар сифат жиҳатидан ўзгартиришга йўналтирилади ва, якуний натижада, фойда ёки бошқа ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни мақсад қилиб қўяди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараён иштирокчилари, уларнинг ўзаро алоқалари тавсифи ва босқичлари, инвестицион ресурсларни жалб қилиш манбалари, давлат тузилмаларининг инвестицион сиёсатни амалга оширишдаги асосий вазифаларини тавсифловчи муаллифнинг назарий қарашлари асосида инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг бир неча муқобил йўналишлари ишлаб чиқилди ва илмий асослаб берилди.

Аниқлаштирилган стратегик мўлжаллар хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш бўйича нисбатан тўлиқроқ тартибларини ишлаб чиқиш имконини бериши ва шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасига инвестиция киритишда давлатнинг иштироки асосан дастурли-мақсадли механизмлар орқали амалга оширилиши кераклиги ва бунда хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида хўжалик субъектларининг инвестицион жараёнларини ривожлантириш самарадорлиги юқори бўлиши назарий жиҳатдан асосланган.

Инновацион фаолиятни инвестициялашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида инновацияларни инвестициялаш усулларининг тизимлашган таснифи ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Инновацион фаолиятга инвестиция киритиш усулларининг таснифланиши.⁸

Ушбу таснифлаш бир қатор афзалликларга эга: биринчидан, у қайтармаслик шarti ва қайтариш шarti билан молиялаштириш усулларини инобатга олган; иккинчидан, бир нечта хусусий усуллар аниқланиб, улар инвестициялашни ташкиллаштириш йўлларига кўра сезиларли даражада фарқланади, лекин улар илмий адабиётларда умумлаштирилган ҳолда келтирилган. Масалан, давлат буюртмаси ва давлат бюджети ҳамда нобюджет фондлари ҳисобидан қайтариш шarti билан молиялаштириш фарқланиши керак. Таъкидлаш керакки, инвестициялашнинг барча усуллари ўз афзалликлари ва камчиликларига ҳамда турли шароитларда қўлланилишига кўра чекловларга эга.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни, инновацион жараёнларни ривожлантиришда тадбиркорлик секторининг муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигига қарамасдан, миллий тизимларнинг жадал ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал қилиш мақсадида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда давлатнинг фаол иштироки муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларнинг ривожланиш ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида инвестициялар самарадорлигини пул оқимлари бўйича баҳолаш методикаси асосида соҳада инвестициялар

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган.

самарадорлигини ошириш шакллари ва усуллари таҳлил этилган, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажмини аниқлашнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан ортиғини ташкил этаётган хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши суръатларини инобатга олганда, ушбу соҳа асосий капиталига кирилатган инвестициялар ҳажми ва уларнинг иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига киритилаётган жами инвестициялар таркибидаги улуши номуносиблиги бу борада амалга оширилаётган ишларнинг талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида жами кўрсатилган хизматлар ва хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг ўзгариш динамикаси⁹, млрд. сўм

Хусусан, 2016 йил якунига кўра ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 49,5¹⁰ %ни ташкил этгани ҳолда, ушбу соҳа асосий капиталига киритилган инвестициялар жами инвестицияларнинг 33,2 %ни ташкил қилган. Мамлакатимизда 2007-2016 йиллар мобайнида жами ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми 14058,8 млрд. сўмдан 92536,0 млрд. сўмгача ошган. Соҳада асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми эса 2007 йилдаги 2670,2 млрд. сўмдан 2016 йилда 16504,9 млрд. сўмгача ошган (2-расм).


Муайян ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича унинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда бенчмаркинг тизимидан таҳлилий восита сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг ёрдамида бошқа ҳудудлар қайси йўналишларда яхшироқ ва муваффақиятлироқ ишларни амалга ошираётганини аниқлаш мумкин бўлади ва уларнинг бу борадаги илғор тажрибасини тегишли ҳудудда жорий этиш талаб этилади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: – 2017.

Тадқиқотимиз доирасида ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш омиллари бенчмаркингга эътибор қаратдик ва унинг бир неча босқичда амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида рақобатлашувчи муваффақиятли ҳудудларни танлаб олиш, бунда ҳудудларнинг нисбатан яқин жойлашганлиги тамойили ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқ; 2) танлаб олинган ҳудудлар бўйича ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги омилларини танлаб олиш; 3) маълумотларни қидириш, жамлаш ва қайта ишлаш; 4) маълумотларни таҳлил қилиш ва танлаб олинган омиллар асосида ҳудуд рақобатбардошлиги ва инвестицион жозибадорлиги радарини тузиш; 5) олинган маълумотлардан кўрсаткичларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш.

Тадқиқотимиз давомида кўриб чиқилган барча омиллар ичидан нисбатан муҳим ва аҳамиятли деб топилган қуйидаги омилларни танлаб олдик, яъни: 1) географик жойлашув; 2) табиий ресурслар; 3) хизматлар бозори инфратузилмаси; 4) ҳудуд бошқарув органларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) жалб қилишга қизиқиши ва расмийлаштириш жараёнлари; 5) ишбилармонлик муҳити ва бизнесни юритиш имкониятлари; 6) тақдим этилаётган хизматларнинг ҳажми ва сифати; 7) ишчи кучининг ҳажми ва малакаси. Таҳлил этилаётган ҳудудларнинг рақобатбардошлик таҳлили амалга оширилди, шу жумладан, мутахассислар билан ўтказилган сўровлар натижасида олинган маълумотларга асосланиб ҳудуд рақобатбардошлик ва инвестицион жозибадорлик радари тузилди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси айрим ҳудудларининг рақобатбардошлик ва инвестицион жозибадорлик радари.¹¹

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва эксперт сўровлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Республика иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификациялаш жараёнида ҳамда доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлилигини таъминлаш уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлиги инвестицион жозибадорликни ошириш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини оширишга эришишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, ҳар бир корхона ўзининг инвестициялаш rischi даражасини ҳисобга олган ҳолда, инновацион лойиҳаларни баҳолашда соф дисконтланган даромад (NPV) ва ички даромадлилик нормасининг (IRR) мезон кўрсаткичини белгилаши мумкин. Соф дисконтланган даромад ва ички даромадлилик нормаси пастроқ бўлган лойиҳалар инвестициялар самарадорлигига мос келмаслиги сабабли тезда рад қилинади. Бундай кўрсаткич инвестиция лойиҳаларини баҳолаш амалиётида «NPV ва IRR нинг йўл қўйиш мумкин бўлган (энг қуйи) ставкаси» номини олган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестициялар самарадорлигини баҳолаш методикаси асосида инвестор томонидан лойиҳага пул маблағлари киритилишининг даромадлилиги ёки зарарлилиги нормасини аниқловчи кўрсаткич таклиф этилди: $IRR=r$, $NPV=f(r)=0$ бўлганда қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$NPV(IRR) = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+IRR)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{I_t}{(1+IRR)^t} = 0 \quad (1)$$

Бунда: NPV (IRR) – лойиҳага пул маблағлари киритилишининг даромадлилиги ёки зарарлилиги нормаси, CF – пул оқимлари, IRR – ички даромадлилик нормаси, I – лойиҳага t даврдаги инвестицион қуйилмалар суммаси, r – дисконтлаш ставкаси, n – даврлар сони.

Таклиф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари инновацион лойиҳаларини соф дисконтланган даромадни ва ички даромадлилик нормасини босқичли инвестициялаш самарадорлигини аниқлаш услубига асосан Самарқанд вилоятида фаолият юритувчи «Korzinka.uz» савдо мажмуаси, «Abdug'ani Gaz» масъулияти чекланган жамияти, «Магнолий НЕТ» ва «Самарқанд-Зингер» хусусий корхоналари томонидан «Микрокредитбанк» АТБ Самарқанд шаҳар филиалига такдим этилган инновацион лойиҳалари шартлари ва бизнес режа параметрлари асосида MS Excel дастурида ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Таҳлил жараёнида лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди. Натижалар таҳлилига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида турли фаолиятлар билан шуғулланувчи корхоналар томонидан амалга оширилган лойиҳаларда улгуржи ва чакана савдо соҳасида пул оқимлари ҳажмининг катта ва тез эканлиги сабабли

инвестицияни қоплаш даври нисбатан тез (яқин) ҳамда таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар қиймати юқори эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда жорий қилинган инновацион лойиҳалар самарадорлиги¹²

Кўрсаткич номи	«Korzinka.uz»	«Abdug'ani Gaz» МСНЖ	«Магнолий НЕТ» ХК	«Самарканд-Зингер» ХК
Фаолият тури	Чакана савдо	АГҚШ	Компьютер хизматлари	Тикувчилик хизматлари
Лойиҳа қиймати (инвестициялар ҳажми), млн. сўм	1500,0	24,0	7,5	69,9
Инвестиция даври, йил	3,0	3,0	2,0	6,0
Дисконт ставкаси, %	14,0	7,0	14,0	4,0
NPV кўрсаткичи, сўм	1914,76	48,64	-1,49	5,36
IRR кўрсаткичи, %	85,0	107,0	-4,0	6,3

NPV ва IRR кўрсаткичларини амалиётда кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар ичидан «Микрокредитбанк» АТБнинг Самарқанд вилоят филиалидан турли йўналишдаги инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун бир хил муддат ва бир хил дисконт ставкаси асосида кредит маблағи олиш учун тақдим этилган бизнес режа параметрлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, бир хил шартлар асосида турли тармоқларда фаолият юритаётган корхоналар инвестицион лойиҳаларининг NPV кўрсаткичи ҳисобланганда, ушбу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасида нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Бу, биринчидан, NPV кўрсаткичининг лойиҳа суммасига тўғри мутаносиб эканлиги, яъни лойиҳа суммаси қанча катта бўлса, NPV кўрсаткичи ҳам шунга боғлиқ ҳолда юқори ёки кам бўлиши билан ифодаланса; иккинчидан, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида пул оқимлари жадаллиги нисбатан юқори суръатни ташкил этишини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида республика хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажмини аниқлашнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган. Моделнинг статистик танланмасига мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳаси асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажмини аниқлашда қатнашувчи республикамизнинг 2005-2016 йиллар давомидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тегишли кўрсаткичлари киритилди. Бунда натижавий кўрсаткич ҳисобланган «хизмат кўрсатиш соҳаси асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажми»га таъсир этувчи омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди (омиллар сони $X=10$).

Ҳисоб-китоблар натижаларидан келиб чиқиб, моделга киритилган омиллардан энг муҳимлари танлаб олинди (2-жадвал).

¹² «Микрокредитбанк» АТБ Самарқанд филиали маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили орқали ишлаб чиқилган (жадвалда келтирилган) моделда F-Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}}=4,01933$, шунингдек эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1=4$ ва махраж бўйича $\gamma_2=7$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p=0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}}=4,12$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади.

Статистик мезонлар кўрсаткичлари орқали хизмат кўрсатиш соҳасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш учун кўп омилли чизикли модель танланди.

Танланган чизикли регрессия модели куйидаги кўринишга эга:

$$Y = -18126,704 + 334,188 \times X_3 + 2,292 \times X_4 + 0,336 \times X_6 - 290,776 \times X_7 - 0,010 \times X_8 + 0,977 \times X_9 - 0,419 \times X_{10}, \quad (2);$$

2-жадвал

Моделнинг тузилмавий таркиби¹³

	Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-мезон	P-микдор
	B	Стандарт хато	Бега		
(Константа)	-18126,704	1623,473		-11,165	0,002
X ₃	334,188	74,451	0,054	4,489	0,021
X ₄	2,292	0,245	0,283	9,352	0,003
X ₆	0,336	0,028	0,714	12,196	0,001
X ₇	290,776	42,542	0,159	6,835	0,006
X ₈	-0,010	0,001	-0,099	-9,109	0,003
X ₉	0,977	0,061	0,445	15,944	0,001
X ₁₀	-0,419	0,141	-0,168	-2,971	0,059

Эконометрик таҳлил натижаларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг куйидаги параметрлари аниқланди: республикада инфляция даражаси (X₃)нинг 1,0 %га камайиши хизмат кўрсатиш соҳасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг 334,188 млрд. сўмга; хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида бандлар (X₄)нинг 1 минг кишига ошиши 2,292 млрд. сўмга; аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми (X₆)нинг 1,0 млрд. сўмга ошиши 0,336 млрд. сўмга; мамлакатимизда қайта молиялаш ставкаси (X₇)нинг 1,0 %га камайиши 290,776 млрд. сўмга; асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида корхоналар маблағлари (X₈)нинг 1,0 млрд. сўмга ошиши 0,010 млрд. сўмга; асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (X₉)нинг 1,0 млрд. сўмга ошиши 0,977 млрд. сўмга кўпайишига ва асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (X₁₀)нинг 1,0 млрд. сўмга ошиши инвестициялар ҳажмини 0,419 млрд. сўм ошишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган эконометрик модел ёрдамида Ўзбекистон Республикаси бўйича 2005-2016 йиллардаги статистик маълумотлардан


¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

фойдаланиб, истиқболда 2017-2021 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий капиталига киритилаётган инвестициялар ҳажмини прогнозлаш учун унга таъсир этувчи X_3 , X_4 , X_6 , X_7 , X_8 , X_9 , ва X_{10} омиллар учун прогноз моделлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини қиёсий таҳлил қилиш асосида инвестициялаш самарадорлигини оширишнинг тармоқ хусусиятлари ҳамда инвестицион сиёсат самарадорлигини ошириш учун давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ва муаммолар аниқланди ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

